«Энг яхши эстрада қўшиқлари»

Мустақиллик байрамининг етти йиллиги олдидан Нукусда «Энг яхши эстрада қўшиқлари» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда республика шаҳар-қишлоқларидан келган ўнлаб яккахон қўшиқчи ва жамоалар иштирок этди. Қўшиқларда миллий эстрадани ривожлантириш, оҳангларни мумтоз куйлар билан уйғунлаштиришга эътибор борлиги сезилди. «Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси Қорақалпоғистон бўлимига қарашли «Аму тўлқини» дастаси солисти, республикада хизмат кўрсатган артист Г.Ойимбетова кўрик ғолиби бўлди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ

Бухорий ва ёшлар

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида илмий-амалий анжуман бўлди. Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллигига бағишланган бу йиғинда шарқшунос олим Убайдулла Уватов буюк ҳадисшуноснинг ибратли ҳаёти ва фаолияти ҳақида қизиқарли ҳикоя қилди. Университет ректори Тўлқин Миркомилов алломанинг маънавий мероси ёшларимизни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этиши ҳақида мулоҳаза юритди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Хабарлар, ўзгаришлар

Айёмга совға бўлади

Томди тумани маркази — Янгитомдида бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Навоий ва Зарафшон қурилиш бошқармалари жонбозлик кўрсатишмоқда. Ярим йил мобайнида қарийб 300 миллион сўмлик иш бажарилди. Марказий шоҳбекат мажмуи қурилиши авжида. Зарур қурилиш ашёлари узлуксиз етказилмоқда. Барча ишлар яқин фурсатларда якунланиб, Янгитомдининг янгича қиёфаси мустақилликнинг етти йиллигига ўзига хос совға бўлиши кутиляпти.

Музаффар ШАРОПОВ

Меҳмонларга ёқиб қолди

Жаҳон набатот ва ўсимликлар дунёсини ўрганиш ташкилотининг бир гуруҳ олимлари Ховос туманидаги оромгоҳ маскан — Хўжамушкент қишлоғига ташриф буюришди. Бу ернинг табиати, ўсимликлар дунёси билан танишдилар. Олмониялик Ф. Никол, уммонлик Ш.Газафарлар Хўжамушкент чиндан ҳам мўъжизалар макони эканини эътироф этдилар. Улар бу жойларда тенги йўқ доривор гиёҳлар борлигини таъкидладилар.

Абдужалил УМАРОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 2 июль, пайшанба • № 78 (22.315).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент ҳузурида қабул

1 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Исроил давлатининг саноат ва савдо вазири Натан Шаранскийни қабул қилди.

Маълумки, мамлакатимиз билан Исроил давлати ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат 1992 йил бошида имзоланган эди. Таъкидлаш жоизки, шундан буён икки давлат ўртасидаги алоқаларда фақат ўсиш кўзга ташланади.

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан умумий товар айланмасининг ўтган йил натижалари рўйхатида Исроил давлати салмоқли ўринлардан бирини эгаллаши, юртимизда Исроил капитали иштирокидаги кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатаётгани ва уларнинг сони ошиб бораётганининг ўзиёқ бу фикрнинг исботидир.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни диёримизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистоннинг мазкур мамлакат билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланаётганидан мамнуният изҳор этди.

— Қувонарли томони шундаки, — деди Ислом Каримов, — бу ўзаро дипломатик, сиёсий-иқтисодий, маданий ва бошқа барча соҳаларда ўз аксини топаётир.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, ташқи ишлар вазири А.Комилов, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э.Ғаниев иштирок этди.

Қабул маросимида Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ноаҳ Гал-Гендлер ҳозир бўлди.

(ЎзА)

Тошкентдан жўнаб кетди

Ўзбекистонда Тожикистон кунларининг очилиш маросимида қатнашиш учун мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов 1 июль куни Тошкентдан жўнаб кетди.

Икки давлат байроқлари билан безатилган пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Тожикистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Тожиддин Мардонов ҳам бор эди.

(ЎзА)

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари

Куй-қўшиқлар янграмоқда

САМАРҚАНД. Мамлакатимизда бошланган Тожикистон Республикаси кунлари қатнашчиларининг катта бир гуруҳи фирдавсмонанд Самарқанд шаҳрига келдилар.

Аэропортдан Тожикистон Фанлар академияси вице президенти, гуруҳ раҳбари Мусо Диноршоев, академик Ҳабибулло Саидмуродов, Тожикистон халқ артистлари Мастона Эргашева, Гавҳар Миржумаева, Шамси Қиёмов, санъат арбоби Шарифжон Орипов, шоир ва адиблар — Давлат мукофоти соҳиби Мўмин Қаноат, Ўлмас Жамол, Гулру Қурбонова, Олим Бобоев ва бошқалар махсус автобусларда шаҳар томон йўл олишди.

Меҳмонлар шаҳар билан танишувни соҳибқирон бобомиз Амир Темур ва икки халқ азалий дўстлигини тимсоли бўлган Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкаллари пойига гуллар қўйишдан бошлади. Самарқандннинг асори-атиқаларини томоша қилиб, улуғ қадам жойларни зиёрат қилишди.

Бугун эса меҳмонлар икки гуруҳга бўлиниб, вилоят туманларида меҳнаткашлар билан қизиқарли учрашувлар ўтказишмоқда.

БУХОРО. Меҳмонларнинг бир гуруҳи кеча Шарқ гавҳари, деб таърифланган қадимий шаҳар — Бухорога ташриф буюрдилар. Улар Бухорои шарифнинг оламаро машҳур Ситораи Моҳи Хосса, Арки Олий, Сомонийлар мақбараси, Минораи Калон, Лаби Ҳовуз ансамбларини бориб кўрдилар ҳамда меҳмондўст шаҳарнинг ҳунармандлари, зардўзлари иши билан танишдилар.

Қардошлик байрами дастурига кўра, шу куни меҳмонлар «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида бўлдилар. Тожикистонлик санъат ва маданият арбоблари, «Гулшан» вокал-чолғу дастаси, «Зебо» давлат рақс дастаси жамоаларининг чиқишларини ишчилар олқишладилар.

Эртага Тожикистон вакиллари икки гуруҳга бўлиниб, вилоятнинг йирик саноат корхоналари — Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводи, «Зардўз» ҳиссадорлик жамияти, Ромитон, Пешку, Ғиждувон ва Вобкент туманлари меҳнаткашлари билан учрашадилар. Дўстларимиз ташрифининг сўнгги куни эса вилоят марказидаги Ибн Сино номли маданият саройида тожикистонлик санъат усталарининг Бухоро шаҳар жамоатчилиги вакиллари билан учрашуви ва концерти билан якунланади.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Даврон БАҲРОНОВ

Фарғонада ғаройиб буғдой

Республикамиз далаларида бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими бошланиб кетди. Кўпни кўрганлар бу йил — дон йили бўлди, дейишяпти. Шундай бўлсин... Кейинги йилларда ғалла мустақиллиги учун кураш жараёнида нафақат олимлар, балки тажрибакор деҳқонлар ҳам ўз ери, иқлими, шароитларига мос дон навларини яратишга киришиб кетдиларки, буни ҳар қанча табрикласа арзийди. Охунбобоев туманидаги Қ. Мадалиев номли жамоа хўжалигининг Беклар қишлоғида Ҳамзахўжа Маматов деган, 70 ни уриб қўйган тажрибали деҳқон яшайди. Ҳар қандай буғдой, арпа донини кўрибоқ, қайси навдан эканлигини айтиб берадиган бу отахон уч йил муқаддам хўжалик далаларини айланар экан, ғаллазорда алоҳида ажралиб турган бўйи баланд, дони юзтадан кам бўлмаган тўртта буғдой бошоғини кўриб қолди. Бошоқларни қирқиб, уйига келтирди. Кузда шу уруғларни саралаб, томорқасидан жой ажратиб экди. Кейинги йили худди шу жойдан 30 кг.га яқин буғдой олди. Унинг 5 кг.ни Хитой тегирмонида торттириб, ун қилди. Билардики, баъзан буғдой бошқа хили билан чатишиб, шунақа дароз дон етишиши мумкин. Бироқ, уни аччиқ, хамири эса суюқ бўлади. Қарангки, отахон саралаб олган буғдой унининг хамири қаттиқ, дони оқ, мағизи ширин бўлди. Демак, буни бемалол кўпайтириш мумкин. Отахон шу йили 17 сотих ерга 15 кг. ҳалиги номаълум буғдой уруғидан сочди. Шу кунларда отанинг буғдойи етилган. Пояси ниҳоятда бақувват, барглари қалин, бўйи одамни кўмади. Бошоғининг узунлиги бир қарич келади. Ҳар битта бошоқда 120 тагача йирик-йирик дон бор. Чоғроқ жойдан 1 тоннадан ортиқроқ дон чиқиши мумкин.

Ҳозирча бу навга ном қўйилмаган. Албатта, бобокалонларимиз бирор янги нав яратишса, дарров кўчага чиқиб жар солишни хушлашмаган. Зеро, ғаройиб буғдой билан мутахассисларимиз қизиқиб кўришса, ёмон бўлмасди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Кобул ўққа тутилди

«Толибон» ҳаракати вакили шимолий иттифоқ вакиллари Кобулни ўққа тутишганини хабар қилди. Унинг айтишига кўра, ўтган якшанба куни Аҳмад Шоҳ Масъуд қўшинлари мамлакат пойтахтига узоқни мўлжалга олувчи 15 та ракета отишган. Натижада ҳарбий фуқаро аэропорти ва шаҳарнинг уй-жой кварталлари вайрон бўлган. Тўрт киши эса қурбон бўлган. Анчагина фуқаролар ярадор бўлиб, шифохонага ётқизилди. Бундан ташқари бир қанча уйлар вайронага айланган. Масъуднинг вакили эса, бизнинг пойтахт аэропортини ўққа тутишдан бўлак иложимиз йўқ эди, деди.

Номзодлар кўрсатилмоқда

Шу йилнинг куз фаслида Озарбойжон Республикасида Президент сайловлари бўлиб ўтади. Ҳозирданоқ айрим сиёсий арбоблар ўз номзодларини давлат раҳбари лавозимига номзодликка қўймоқдалар. Шу муносабат билан республика ҳудудида ва унинг ташқарисида Озарбойжон Президенти сайловларини ўтказиш бўйича тўрт мингдан зиёд сайлов участкалари ташкил этилади. Бу ҳақда янги сайланган марказий сайлов комиссиясининг биринчи мажлиси пайтида айтилди. Ушбу мажлис Боку шаҳрида ўтказилди.

БМТга аъзо бўлишмоқчи

Чеченистон Ташқи ишлар вазирлиги республикани Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилиш бўйича қатор ҳужжатлар тайёрлади. Бу ҳужжатлар пакети БМТ Бош котиби Кофе Аннанга жўнатилди. Бу ҳақда Чеченистон ташқи сиёсий идораси раҳбари Мовлади Удогов хабар берди. Ушбу ҳужжатга кўра, БМТга аъзо бўлиш ҳақидаги ариза, Россия Федерацияси ва Чеченистон ўртасида тинчлик ва ўзаро яхши муносабатлар доирасидаги алоқаларни таъминлаш тўғрисидаги маълумотлар бор.

Умумхалқ сайловларига ҳозирлик

Исроил Бош вазири Беньямин Нетоньяхо мамлакатда умумхалқ сайловлари илгари режалаштирилган муддатда, яъни 2000 йилда ўтказилади, деди. Маҳаллий радионинг хабарига кўра, Исроил Бош вазири мамлакат Президенти Эзер Вейцманнинг яқин кунларда муддатидан илгари умумхалқ сайловлари ўтказишга қилган даъватига шу йўсинда жавоб берди. Маълумки, ҳозирги кнессет ва Бош вазирнинг ваколати 2000 йилнинг ёзида тугайди.

Кавказортига расмий сафар

Руминия Президенти Эмил Константинеску шу ҳафта ичида расмий ташриф билан учта Кавказорти Республикаси — Озарбойжон, Грузия ва Арманистонга боради. Бу ҳақда Руминия давлати матбуот хизмати хабар қилди. Сафар олти кунга мўлжалланган. Унинг мақсади шуки, Руминиянинг Қора денгиз ва Каспий минтақасидаги манфаатларини кўриб чиқиш. Руминия асосан иқтисодий масалаларни ҳам ўз фойдасига ҳал қилмоқчи. Чунончи, Каспий нефтини ўз мамлакати орқали Европага чиқариш тарафдори. Бу борада Анкара, Киев ва София Бухарестга рақобатчи бўлишаётир. Сафар давомида Руминиянинг Грузиядаги Поти шаҳридаги нефть терминали қурилишидаги иштироки шунингдек, унинг бошқа лойиҳаларда ҳам фаол қатнашиши масалалари муҳокама қилинади.

Муносабат, мулоҳаза, таклиф

Ўзбек ўрмончилиги ва экология

Яшил ўсимлик майдонини кўпайтириш ер юзида экологик муаммонинг олдини олишда муҳим вазифани ўтовчи омиллардан асосийси ҳисобланади.

Шундай экан, биз асосий эътиборни ер юзида кўп йиллик ўсимликлар майдонини кенгайтиришга қаратмоғимиз зарур.

Хитой давлатида 70-йилларда ҳукумат қарори асосида 5 йиллик муддатга барча йўл, ариқ-зовурлар, ташландиқ ерлар, каналлар атрофлари ҳамда аҳоли яшайдиган асосий ҳудуддаги бўш жойларга кўп йиллик, яъни ёғочбоп дарахт турларини экиш бўйича умумхалқ сафарбарлиги эълон қилинганлиги ва шу 5 йил мобайнида белгиланган тадбир 100 фоиз бажарилганлиги натижасида атроф ямяшил ўрмонзорга айланиб қолганлиги маълум.

Ер юзида экологик муаммони ҳал қилишда биринчи навбатда ўсимликлар дунёсини асраб қолиш, уларнинг майдонини имкони борича кўпайтириш ана шундай тажрибалар ва амалий ишлар билан синовдан ўтган.

Инсоният, ҳайвонот дунёсига катта салбий таъсир ўтказаётган нарса — Орол суви қуриган майдондан кўтарилиб атрофга тарқалаётган заҳар-заққум чанг-тузлардир. Бунинг олдини олишнинг бирдан бир йўли ана шу синовдан ўтган усул — атрофни ўрмонзорларга айлантириш.

Шу мақсадда 1990-98 йиллар мобайнида Орол суви қуриган 75 минг гектардан кўпроқ майдонда саксовул, қандим, черкез каби чўл ўсимликларидан иборат ўрмонзорлар барпо этилди ва шу майдонда аҳвол бутунлай ўзгарди, чанг-туз кўтарилиши тўхтади.

Республика ўрмончилари саъй-ҳаракати билан ҳар йили 35 минг гектар ўрмонзорлар барпо қилинмоқда. Шундан 13-15 минг гектари Орол суви қуриган майдонларда ташкил этилди. Мамлакатимизда ўсимлик дунёсини кўпайтириш, бу фақат ўрмон хўжалигининг иши бўлмасдан бу иш умумхалқ сафарбарлигига айланиши лозим, деб ўйлаймиз.

Минг афсуски, бизда ҳали-ҳанузгача она-табиатимизга, унинг асосини ташкил қилган ўсимлик дунёсига, ўрмонзорларимизга муносабат кўнгилдагидай эмас, ҳаттоки оддий фуқародан ташқари кўп жойлардаги мутасадди раҳбарлар масала моҳиятига тўла тушуниб етмаяпти.

Бунга оддий бир мисол: 1994 йилда Вазирлар Маҳкамасининг 62-сонли қарори қабул қилинган, бу қарорда келажакда республикамизнинг қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжини қисман қондириш ҳамда экологик муҳитни яхшилаш кўзда тутилиб, ёғочбоп терак ва бошқа тез ўсувчи дарахт турларини кўпайтириш учун аниқ тадбирлар белгиланган эди. Минг афсуски, бу қарор кўп жойларда кўр-кўрона, номигагина бажарилмоқда, ҳар йили оз-моз экилаётган терак ва бошқа дарахт кўчатлари эътиборсизлик, қаровсизлик натижасида бутунлай қуриб қолмоқда. Айрим вилоятларда дарахт кўчатлари 2-3 йиллаб бир жойга қайта-қайта экилмоқда ва ҳар йили қуритиб юборилмоқда, қанчадан-қанча маблағ бекорга сарфланяпти.

Буларнинг сабаби нимада? Сабабчиси ким? Мана шу саволга жавоб бўлиши керак.

Бизга кислородни, сувни, уй-жой учун қурилиш материалларини етказиб берувчи, атроф-муҳит экологик муаммосини ҳал қилувчи манба — яшил ўсимликлар эканлигини наҳотки тушунмасак? Наҳотки келажак авлодларимиз тақдирини ўйламасак?.

Юқорида қайд этилган қарорни бажариш борасида Фарғона водийси вилоятларида, Сурхондарё, Самарқанд вилоятларининг кўпгина туманларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳаттоки кўпгина хўжалик раҳбарлари 10 йилликка мўлжалланган бу қарорни унутиб юборганлар. Баъзилари «ер йўқ» деб баҳона қилишади. Гектарлаб катта-катта майдонларга экиш учун ер топилмаса, ариқ, йўллар атрофлари, канал, зовурлар бўйлари бўм-бўш, ташландиқ бўлиб ётибди-ку.

Шу жойларнинг эгасини топиб, экишга кўмаклашиб, 10 йилга бириктириб бериш мумкин эмасми?!

Агар бўм-бўш ётган йўл бўйларида, канал, ариқ-зовурларнинг бўйларида 3-4 қаторлаб терак ва бошқа ёғочбоп, тез ўсувчи дарахтзорлар барпо этилса, қандай бир ажойиб жаннат макон манзаралар пайдо бўларди, гармсел, чангли шамоллар йўли тўсиларди, пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳимояланган бўларди. Чунки, 1 метрли дарахт ёки бута 10 метрли атрофга қалқон бўлади. Агар 10-20 метргача ўсган дарахтлар бўлса, 100-200 метр жойдаги ҳар қандай гармсел, чанг-тўзонни ушлайди, ҳосилдорликни 4-6 центнергача оширади.

Бу бир оддий арифметика, сал ҳафсала, эътибор берилса, узоғи икки йилда бутун республикамизнинг суғориладиган ҳудудлари ямяшил ўрмонга бурканади.

Республикамиздаги мавжуд ҳар бир йўл, канал, ариқ-зовурлар қайсидир тумандаги жамоа, фермер ёки бирон-бир деҳқон хўжалиги чегарасидан ўтган. Ана шу хўжалик ўз чегарасидан ўтган йўл атрофига тупроқ шароитига қараб 3-4 қатор қилиб, терак, тол, ясин, клен, жийда, тут экса, экологик аҳвол анча яхшиланади. Қурилиш материаллари заҳираси яратилади.

Шермуҳаммад ЮСУПОВ,
Республика Давлат ўрмон қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК

Ислом КАРИМОВ:

Жамиятда таркиб топаётган янгича муносабатлар асосида иқтисодиётимизнинг барқарорлашувида ва унинг бозор муносабатларига ўтишида Жиззах вилоятининг ҳам катта ҳиссаси, муносиб ўрни бор.

Жиззах шаҳар маркази

Маҳалла ободлиги — оила фаровонлиги

Оила йилида маҳалланинг аҳамияти янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Чунки оиланинг мустаҳкамлиги, фарзандларнинг тарбияси бизнинг ўзбекона урф-одатларимиз ўлароқ бевосита маҳалла-қўйнинг таъсирига ҳам маълум даражада боғлиқ. Масаланинг мана шу жиҳатларидан келиб чиқиб, сўнгги вақтларда Жиззах вилоятида маҳаллалар фаолиятига янада эътибор кучайтирилди. Вилоятда, айниқса, Жиззах шаҳрида маҳалла гузарлари қуриш, уларда аҳолининг талаб-истаклари асосида маиший хизмат турларини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

ЖИЗЗАХ: бугун, эртага

Жиззах вилояти аграр ва минерал хомашё потенциалига эга. Ҳудудда фойдали қазилмаларнинг заҳиралари катта бўлиб, улар жумласига олтин, кумуш, вольфрам, молибден, рух, темир, қўрғошин ва базальт киради.

Хусусан вилоят ҳокимлигининг бевосита раҳбарлигида ушбу маҳаллий хомашё ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, айни пайтда вилоятнинг экспорт потенциалини ошириш мақсадида сезиларли ишлар амалга оширилди. Жумладан, экспортга йўналтирилган импорт маҳсулотлар ўрнини босадиган, жаҳон андозаларига мос рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги 1998 йил 12 март 110-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимининг тегишли 1998 йил 9 апрель 110-сонли қарори қабул қилиниб, вилоятда экспортни кенгайтиришга йўналтирилган минтақавий дастури ишлаб чиқилди.

Бу борада Қўйтош конида йилига 28,6 минг тонна волластонит концентрати ишлаб чиқариш цехи қурилиши жадал суръатлар билан давом этмоқда. Ушбу қурилишга республика ҳукумати томонидан 4 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда маблағ ажратилган бўлиб, объект йил охиригача фойдаланишга топширилади.

Яна шу корхона негизида йилига 60 минг дона гранит плиталари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех қурилиши устида иш олиб борилмоқда. Унга сарфланадиган капитал маблағ қиймати 2,6 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Маҳсулот ишлаб чиқарилгач, умумий қиймати 1,8 млн. долларли 30 фоиз маҳсулот экспорт қилинади.

Саноат комплексида 2000 йилгача 14,6 млн. АҚШ долларига тенг маҳсулотларни экспорт қилиш белгиланган. Бу борада Жиззах **аккумулятор** заводида умумий қиймати 31,5 млн. долларга тенг АҚШ нинг **«Эксайд»** компанияси билан қўшма корхона тузилди. Жиззах пластмасса заводида йилига 6 минг тонна **полиэтилен** трубалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалик комплексида 9,8 млн. долларга тенг ҳажмдаги маҳсулот экспортга йўналтирилади. Фориш туманидаги «Меҳнатобод» ижара ширкат хўжалигида умумий қиймати 151 минг долларга тенг, йиллик қуввати 1000 тонна **узумни қуритиш** ва қайта ишлашга ихтисослашган Исроилнинг **«Журан»** фирмаси технологияси асосида ишловчи ускуналар ўрнатиш ишлари амалга оширилади.

«Жиззахбалиқ» ҳиссадорлик жамиятида Германия технологияси асосида йилига 5 миллион шартли банка балиқ маҳсулотлари тайёрлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш линияси ўрнатилди.

Бундан ташқари, Фориш туманидаги **«Фориш жуни»** кичик корхонасида 1998-2000 йиллар давомида жун маҳсулотларини экспорт қилишни 180 минг долларга етказиш белгиланди.

Енгил саноатда 16,9 млн. долларга тенг ҳажмдаги маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Бу соҳада Ш. Рашидов номли ҳиссадорлик жамиятида Ўзбекистон — Туркия **«Ас-Джи текстиль»** қўшма корхонаси ташкил этилди.

А. Соатов номли ҳиссадорлик жамиятида умумий қуввати йилига 1000 тонна пахта ипи ва 3,5 миллион жуфт **пайпоқ тўқишга** эга бўлган қўшма корхона тузиш устида иш олиб борилмоқда. Шунингдек, бугунги кунда Зомин туманидаги **«Тамара-Н»** ҳиссадорлик жамиятида йилига 150 минг долларлик тўқувчилик маҳсулотларини экспортга тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки Жиззах вилояти бўлимида 9 та хорижий сармоя лойиҳалари назоратга олинган бўлиб, уларнинг суммаси 41508 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Булар:

— **«Тошбулоқ»** очиқ турдаги паррандачилик ҳиссадорлик жамияти Венгриянинг **«ИКР БАБОЛНА»** фирмаси билан паррандачилик цехлари учун асб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар ва бройлер жўжаларни сотиб олишга мўлжалланган лойиҳа тақдим этилди.

— **«Эл-Эрк Нур»** хусусий корхона қиймати 970.000 АҚШ долларлик ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган хорижий сармоя лойиҳаси бошланғич танловдан муваффақиятли ўтиб, ҳозирги кунда Осиё тараққиёт банкининг экспертига ҳужжатлар топширилди.

— **«Лалмикор ЖҲЖ»** қиймати 114.000 АҚШ долларига тенг бўлган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган хорижий сармоя лойиҳаси бошланғич танловдан муваффақиятли ўтди.

— **«Қалдирғоч- Ко»** фирмаси (Дўстлик тумани) Франциянинг **«Деле Планк»** компанияси билан 450.000 АҚШ долларлик ерёнғоқни қайта ишлаш ва уларни қадоқлаш линияси учун шартнома тузилган бўлиб, бошланғич экспертизадан муваффақиятли ўтди.

— Жиззах туман Кооператив акционерлик Агрофирмаси қиймати 13.509.572 АҚШ долларига тенг Франциянинг **«Деле Планк»** фирмасининг 7200 тонна шакар, 117000 литр спирт, 21600 тонна омухта ем ишлаб чиқарувчи хорижий технология линияси учун шартнома имзоланган бўлиб, бу ҳам бошланғич ҳуқуқий ва молиявий экспертизадан муваффақиятли ўтди.

Бу йил Японияннинг **«Ниссё-Иваи Корпорейшн»** корпорацияси билан ҳамкорликда вилоятда 7250 қути саноатбоп ипак қурти уруғи олиб келинди, тўлиқ жонлантирилди ва оилавий звеноларда парвариш қилинди. Бундан ташқари 250 қути элита уруғи олиб келиниб, Фарғона уруғ заводига берилди ва 1999 йил пилла мавсумида 20 минг қути ипак уруғи етиштириш мўлжалланмоқда. Келгуси йилдан бошлаб, бу элита ва супер элита саноатбоп ипак қурти уруғи вилоятда етиштирилади.

1998 йил кузидан бошлаб, Жиззах туманидаги Улуғбек хўжалигини тўлиғича ипак қуртининг озуқа базаси бўлган тут кўчати етиштириб берувчи хўжаликка айлантириш кўзда тутилмоқда. Ҳозирги кунда Японияннинг **«Ниссё-Иваи Корпорейшн»** корпорацияси билан серҳосил тут уруғи етказиб бериш бўйича ҳам шартномалар тузилмоқда. Келгусида вилоятимизда тўлиқ ҳамда қўшни вилоятларга ҳам серҳосил тут кўчатлари етказиб бериш ниятимиз бор.

Убайдулла ЗИЁТОВ,
вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бўлими бош мутахассиси.

Рақамлар, далиллар

Жиззах вилояти 1973 йилда ташкил топган, умумий ер майдони 20,5 минг квадрат километр, аҳолиси 927,8 минг киши. Вилоятда 1 та шаҳар ва 11та туман мавжуд.

Вилоят маркази Жиззах шаҳрида 130,0 минг киши истиқомат қилади.

Саноати

Вилоят ҳудудида 79 та саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда қурилиш маҳсулотлари саноати, енгил саноат ва химия саноати ривожланган. Жорий йилнинг январь-май ойларида амалдаги нархларда 4346,3 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати солиштирма нархларда 128,5 фоизни ташкил қилди.

Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари умумий ҳажмда нодавлат мулк шаклидаги корхоналар улуши 66,1 фоизни ёки 2871,1 миллион сўмни, истеъмол моллари бўйича 97,2 фоизни ёки 1246,6 миллион сўмни ташкил қилди.

1998 йилнинг 5 ойи мобайнида ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш 179,7 фоиз, мебель ишлаб чиқариш эса 110,1 фоизга кўпайди.

Қишлоқ хўжалиги

Вилоят қишлоқ хўжалигида пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачилик етакчи ўрин тутади. Ҳайдаладиган ер майдони 452211 гектар, шундан сувли майдон 254195 гектар, лалми майдон 198016 гектарни ташкил қилади.

111 минг гектарга пахта, 201 минг гектарга ғалла, шундан 101 минг гектари сувли майдонда етиштирилади. Боғ ва токзорлар 11 минг гектарни, яйловлар 688 минг гектарни ташкил қилади.

Жорий йилнинг 1-чорагида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 3 миллиард 475 миллион сўмни ташкил қилди.

1998 йил 1 июнь ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар бўйича 20806 тонна гўшт, 62389 тонна сут, 10221 минг дона тухум етиштирилди.

Барча тоифадаги хўжаликлар бўйича йирик шохли моллар сони 277658 бошни, шундан сигирлар 122770 бошни, қўй ва эчкилар 789379 бошни, отлар 15742 бошни ташкил этади.

Йирик шохли моллар бош сонининг 88,4 фоизи, сигирларнинг 91,1 фоизи, қўй ва эчкиларнинг 53,6 фоизи шахсий аҳоли хўжаликларига тўғри келади.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Вилоятда 258 та корхона ва ташкилотлар, хусусий фирмалар ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтган.

Ташқи савдо айланиши 34,2 миллион АҚШ долларини, шундан экспорт 24,1 миллион АҚШ долларини, импорт 10,1 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Ташқи савдо айланиши умумий ҳажмда узоқ хорижий давлатлар билан алоқа 73,3 фоизни, ҳамдўстлик давлатлари билан алоқа 24,3 фоизни ташкил қилди. Экспорт ҳажми асосан пахта толаси (96,4 фоиз) ҳисобига тўғри келади. Импорт ҳажмининг 17,8 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 41 фоизга камайди.

Бугунги кунда вилоятда 35 та чет эл инвестицияси жалб этилган қўшма корхона рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 22 таси фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 5 ойида қўшма корхоналар бажарган иш ва хизматлар ҳажми 153,1 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,5 баробар кўп демакдир.

Қуёшга қараган уй

«Истиқлол» теннис клуби директори Носир Сиддиқов:

— Халқаро мусобақаларни, айниқса, оммавийлашган турнирларни катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Менга кўпроқ ғолиб жамоаларнинг, спорт усталарининг ўз давлати мадҳиясини шоҳсупада туриб, жўровозда хиргойи қилишлари жуда таъсир қилади. Жиззахлик чапдаст йигитларнинг йирик беллашувларда Ватан, миллат шаънини, кучқудратини намойиш қилишларини истайман.



Мазкур йилнинг 24 февралида вилоят ҳокимининг «Вилоятда теннис спортининг оммавийлигини ошириш тўғрисида»ги қарори мустақиллик шарофати билан қад ростлаган теннис кортининг обрў-эътиборини оширди. Ташкилот, корхона ва идораларнинг доимий шуғулланиш жадвали ишлаб чиқилди. Қизиқувчилар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ўзидан аввал кўзи кулиб турувчи 80 га яқин ўқувчи-ёшларнинг, ёш-ёш йигитчаларнинг машқларини кузатиб: келажакда Ўзбекистон теннис мамлакатига айланишига шубҳам қолмайди.

Шу кунларда Мустақилликнинг 7 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган теннис бўйича вилоят биринчилиги мусобақаларининг биринчи давра ўйинларига туманлар ва шаҳарларда қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мутлоқ ғолиблик учун кураш «Истиқлол»да ўтказилади.

Жиззах пайпоқ тўқув корхонаси директори Собир Орипов:

— Бир вақтлари республикамиз четга асосан хомашё чиқарарди. Чархнинг айланишини қаранг, россияликлар билан келишувга кўра, улар бизга сунъий толали хомашё жўнатади, бизлар тайёр маҳсулот етказамиз. Умуман, корхонамизда бир йилда 12 хил турда 21 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилади. Ҳозирда мавжуд дастгоҳларимиз маҳсулотнинг сифат жиҳатидан жаҳон талабларига мослашишига имкон бермаяпти. Шунинг учун бозор талабларини ўрганган ҳолда Германиянинг «TEXPROJEKT» фирмаси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш арафасида турибмиз. Улардан ип-йигирув ишлаб чиқариш дастгоҳларини олиш ниятимиз бор. Аҳоли эҳтиёжини қондириш, турмуш фаровонлигини ошириш давлатимизнинг бош мақсадларидан бири. Корхонамиз ҳам баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти.

Энди муаммоларга келсак, Савдо вазирлигига қарашли савдо ташкилотлари билан бир йилга шартнома тузгандик, келишувга асосан маҳсулот ишлаб чиқарилди, аммо улар ўз зиммаларига олган пул ўтказиш мажбуриятини бажармаяпти, натижада ортиқча маҳсулот омборхонада тахланиб қолаяпти.



Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Рустам ДЕҲҚОНБОЕВ:

— Ҳарбий ва муқобил хизматга баҳорги чақирув ўтказилди, ишонасизми, хизматга яроқлилик масаласида мустақилликнинг 7 йиллиги тарихида биринчи марта Жиззах вилояти юқори ўринлардан бирини эгаллади. Бу вилоятда жисмонан бақувват, руҳан тетик, соғлом авлоднинг вояга етаётганидан нишона.

Мен фахр билан айтишим мумкин, Жиззахдан ҳарбий хизматга чақирилган ҳамда муқобил хизматдаги йигитлар Ўзбекистон миллий армияси сафларида Ватан шарафини мардонавор ҳимоя қиляпти.

«Жизантеп» масъулияти чекланган қўшма корхонаси тижорат ишлари директори Мўмин МАНСУРОВ:

— Туркиялик биродарлар билан ушбу корхонани ишга туширганимизда, тўғриси, дурустроқ натижаларга эришишимизга шубҳа қилгандим. Ҳозирда Туркиядан келтирилган ушбу дастгоҳларда мовий, қирмизи ва қаҳва таг рангларда қорақош, тунги ёғду, тож, лола гулли нақшинкор гиламлар ишлаб чиқаряпмиз. Биз асосан, бозор талабларини ўрганиб, эҳтиёжга қараб фаолият юритамиз. Муаммо бўлиб турган бирдан-бир нарса биздаги чиқарилаётган гиламлар Туркияда ҳам тайёрланади, улар мамлакатимиз бозорларида сотилмоқда. Рақобатга бардош бериш, меҳнатга яраша даромад олиш мақсадида биринчи навбатда сифатга катта эътибор бериляпти.



Полипропилен иплари бизда чиқарилмайди, четдан келтиришга тўғри келяпти. Шу кунларда махсус дастгоҳлар келтириб ўрнатиш хусусида хорижлик биродарлар билан келишув ишлари олиб борилмоқда.

Жиззах тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси Эркин САЛИМОВ:

— Хўжалигимиз бу йил санацияга тушди, барча ишларни бошидан бошлашга тўғри келди. Хўжалик аъзоларини меҳнатга жалб этиш, эртанги кунга ишонч уйғотиш мақсадида ойлик иш ҳақларини ойма-ой бериб боришни йўлга қўйдик. Мана ҳозир ғалла ўримйиғими бошланди, ҳар гектардан 40 центнер атрофида ҳосил олинаяпти. 990 гектар майдонга буғдой экканмиз. 2900-3000 тонна буғдой топширишни режалаштирдик. Шу билан бирга 596 гектар ерга пахта экдик. Ғўзаларнинг ривожи яхши, насиб этса 1400 тонна ўрнига 1700 тонна пахта топширамиз.

Бу хўжаликка йил бошида ишга келдим. Маданий-оқартув, маиший хизмат бинолари етишмас экан, агар даромадимиз кўнгилдагидек бўлса, ушбу камчиликларни бартараф этишга, биринчи навбатда ҳаракат қиламиз. Тўғриси, менинг бир нозик томоним, тиббиёт ходимларини ўта ҳурмат қиламан, вилоят тиббиёт марказига ёрдам кўрсатиш режаларимиз бор. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз. Хўжалик аъзоларининг соғлиғини тиклашларида бу ҳам бир имконият бўларди. Бобомизнинг «Ажаб саодат эрур яхшилик бирла қолса от» — деганларидек, мана шу элга қўлдан келганча хизмат қилиш асосий мақсадим.

ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК



«Жизантеп» қўшма корхонаси вилоятнинг фахридир.

Рақамлар, далиллар

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ

Вилоятда 500 та умумтаълим мактаблари, 11 та кечки мактаб, 18 та лицей, 3 та гимназия, 10 та ўрта махсус билим юртлари, 16 та касб-ҳунар мактаби ва 2 та институт фаолият кўрсатмоқда.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

Вилоятда 295 та кутубхона, 117 та клуб, 201 та мактабгача тарбия муассасалари, 2 та стадион, 160 та спорт зали ва 10 та теннис корти фаолият кўрсатмоқда.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Вилоятда 72 та доимий касалхона, 164 та амбулатория, табобатхона муассасалари, жумладан 83 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ва сменада 13 минг киши қатнайдиган 211 та қишлоқ врачлик пунктлари, 120 та дорихона ишлаб турибди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1998 йил январь-май ойларида барча молия манбалари ҳисобидан 1419,5 миллион сўм капитал маблағлар ўзлаштирилиб, 1277,9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Қурилишга жалб этилган маблағларнинг 40 фоизи марказлаштирилган маблағлар, 12 фоизи корхона ва ташкилотлар, 35 фоизи банк кредитлари ҳисобига тўғри келди.

Ўтган йилга нисбатан аҳоли маблағлари 154,6 миллион сўмга кўп ўзлаштирилиб, асосан уй-жой, савдо, умумий овқатланиш иншоотлари қурилишига йўналтирилди.

Жами ўзлаштирилган маблағларнинг 524,6 миллион сўми ёки 37,0 фоизи ишлаб чиқариш, 894,9 миллион сўми ёки 63 фоизи ноишлаб чиқариш иншоотларига сарфланди.

72,7 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Қурилган турар жойларнинг 98 фоизи аҳоли маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Вилоятда мустақиллик йиллари давомида 2410 ўринли мактаблар, 1 сменада 50 кишини қабул қилишга мўлжалланган 12 та қишлоқ даволаш пунктлари, 251,6 км. газ ва 101,6 км. ичимлик суви тармоқлари, 9541 кв.м савдо, 2975 ўринли умумовқатланиш, 178 та маиший хизмат шаҳобчалари, 28 та гузар, теннис корти, алоқа уйи биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Шунингдек, мазкур йилнинг ўтган даври мобайнида 14,3 км.сув, 27,2 км.газ тармоқлари, 18 та маиший хизмат шаҳобчалари, 240 ўринли мактаб, троллейбус линиясининг иккинчи навбати, гўзаллик салони ишга туширилди.

Пайпоқ тўқув фабрикасида

Юлдузлар кўзимга тўтиё

Ҳув қирда янчилган бир чечак мисол
Туннинг тошларига босилгим келди,
Товонимни тилиб, туз сепса шамол,
Ойнинг сиртмоғига осилгим келди.

Осилгим келди, то қушга айланиб,
Бўғзимдан ҳирқираб жоним чиққунча.
Ғамзада бу дунё тушга айланиб,
Кўзларимдан қуёш чиққунча.

Жон қушим, қушгинам кийиб қуёшни,
Беҳишт уйқусига нурдан ин қурса.
Юракнинг армонлар кесган бошини
Қучоқлаб чарх урса, тинсиз чарх урса...

Юлдузлар кўксимга бош қўйсалар жим,
Толе қуши ҳақда сўйласа эртак.
Мени-ку, сиғдирмас беғоён замин,
Қушимни бағрингга сиғдиргил, фалак!

Юлдузлар кўзимга кўприк солдилар,
Ундан тушиб келди оҳиста Ҳилол.
Нигоҳларим пойга киприк солдилар,
Ойнинг оқ сочига ташлади рўмол.

Қорачўгим қучди Ҳилол эркалаб,
Гўё бу гўшада ҳеч гап бўлмаган.
Ҳув нарида эса нимта-нимталаб
Юракни дард чайнар-унутилмаган...

Шаҳло АҲРОРОВА

Пахтадан мўл ҳосил умиди

Оппоқ сутдек орзулар

Янги замон одами

Эл оғзига элак тутиб бўлмайди, дейдилар. Бу рост. Аммо, ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда бўлган, сиз-у биз кўрган ҳолатлар борки, уни элдан яширишнинг иложи йўқ. Масалан, яқин вақтларга қадар вилоятлардаги жамоа ёки давлат хўжаликларида бўлсин, деярли ҳаммасида чорва фермалари бор эди. Кунига ёнига «Сут» деб ёзилган машиналар фермадан цистернасини «оқ чашма»-га тўлдириб чиқарди. Сўнг...

Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатига кенг ўрин берилгач, афсуски, баъзи жойларда иқорида тилга олинган кўпгина чорва фермалари чорвачиликдан йироқ кишилар қўлига ўтиб қолди. Шу туфайли кейинги 3-4 йил ичида чорва туёқ сони камайиб кетди.

Хўш, нима сабабдан шундай бўлди? Шу саволга жавоб топиш учун тадбиркор фермер, дея эъзозланган, Арнасой туманидаги «Хоразм» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида жойлашган «Олға бос» фермер хўжалиги раҳбари Сарсен Мусаев билан суҳбатлашдик.

Суҳбатдош ҳақида қисқача изох:

Сарсен ака асли форишлик. 1983 йилда Арнасой туманига кўчиб келиб, шу ердаги «Хоразм» хўжалиги фермасида иш бошлаган. У дастлаб хўжаликдан 17 бош молни қабул қилиб, 1993 йилгача 450 бошга етказган. 1993 йилда «Олға бос» ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилишига бош-қош бўлган. 1995 йилга келиб, ҳиссадорлик жамиятида қолган 215 бош қора молни (бузоқ, буқа, соғин сигир аралаш) «Ким ошди» савдоси орқали 3 миллион 800 мингга сотиб олди.

Унинг бобоси ҳам, отаси ҳам ўз даврида чўпон ўтган. Тўғрироғи, қўлига чўпон таёғини тутиб, олти ойлаб яйловдан бери келмаган. Сурув орқасидан обрў-эътибор топган, ота-бобоси касбини улуғлаган Сарсен ака эсини танибдики, чорвадор. Етти фарзандни тарбиялаб, турмуш ўртоғи билан бахтли яшаяпти.

— Биз қозоқларда бир гап бор, - дея гап бошлади Сарсен ака. — Яғни уйингда юз минг ақчанг бўлмасин 100 та молинг бўлсин. Балки,шундандир ота-боболаримизнинг касбига иштиёқ қўйдим. Ҳозирга келиб, чорва сонининг камайиб кетиши сабабли моллар фермерларга берилди-ю, лекин ер, техника, деганда қийналдик. Булар ҳаммаси хўжаликда эди. Уларнинг барчасини сотиб олдик. «Ким ошди» савдосида белгиланган пулнинг қолганини беш йил муддат ичида тўлаш керак эди. Фермерликнинг дастлабки кунида қўлда пул бўлмагач, молларни сўйиб ёнилғи, хашак ва техникага ишлатаверардик. Шу-шу жониворлар сони аста-секин камайиб кетди.

— Ҳозир қўлингизда қанча чорва бор?

— 120 бош қорамол. Шундан 40 таси соғин сигир. Ўтган йили 34 бош бузоқ олишга эришдик. Икки йил ичида 2 миллион 100 минг сўм давлатга қарзимизни тўладик. Бирдан бир мақсад 1998 йилда давлатдан қолган қарзни узиш.

— Қўлингиздаги моллар туёқ сони ошиб, келгусида чорвангиз янада кўпайишига ишонса бўладими?

— Албатта. Чунки, биргина ўтган йили қарамоғимиздаги биронта мол чиқим бўлгани йўқ. Хўжалик бу йил 55 гектар ер ажратган. Шунинг ўзи биз учун катта имконият яратади. Туманимизга янги келган ҳоким Райим Есенқулов ва хўжалигимиз раҳбари Эгам Жуманазаров қўллаб-қувватлаб турибди. Энди пешонамизга офтоб теккандай бўляпти.

Икки йил ижарага ер олиб пахта, ғалла етиштирдик. Ундан мўл ҳосил олдик. Бу томондан юзимиз ёруғ. Пахтадан 25-27 центнергача ҳирмон кўтаришга эришдик. Ер ва чорва ихлосманди эканлигимизни исботладик. Бунинг устига шахсий тегирмон ва гуручни оқлайдиган цехимиз ишлаб турибди.

Ҳа, Сарсен аканинг гапларида жон бор. Дадиллиги ва ишончининг боиси — ҳалол меҳнат. Арнасой тумани 1996 йилда пахта тайёрлаш режасини бор-йўғи 45 фоизга уддалаган бўлса, ўтган хўжалик йилида бу кўрсаткич 60 фоизда қолиб кетган. Тумандаги биргина «Хоразм» хўжалиги 1997 йилда пахта режасини уддалаганида ҳам Сарсен Мусаевнинг «Олға бос» деҳқон-фермер хўжалиги ҳиссаси бор.

Сарсен акадан: «кўпчилик деҳқон фермерлар отаси ёки бобоси номини қўйиб иш юритади, сиз эса «Олға бос» дея номлабсиз. Боиси нима бунинг», деб сўрадик.

— Илғор бўлайлик, юзимиз ёруғ бўлиб доим олдинга интилайлик, деганимиз-да, — деди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Аммо шу ўринда бобомнинг бир гапи ёдимга келди. У киши: «Чорвани, унинг туёғидан қаттиқроқ одам, қийинчиликларга чидаган киши қилади», дердилар. Нима бўлганда ҳам Сарсен ака имкониятдан руҳланаётганини кўрдик. Энди у ер, ем-хашак, техника ёки ёнилғига ортиқча сарф-харажат қилмайди. Бунинг устига солиқдан қарзи йўқ. Жорий йилда давлатнинг қолган қарзини узишига имконият бисёр. Шунданми, болалари, оиласи билан жамулжам чорва парваришига меҳр қўйган...

Эркин ЭСИРГАДИЕВ

«Шунчаки ҳазил»

Ю. Ражабий номли Жиззах вилоят мусиқали драма театри жамоаси янги спектаклни театр ихлосмандларига тақдим этди. Ўтган ҳафтада унинг премьераси бўлиб ўтди. Марат Асадуллаевнинг қаламига мансуб бўлган «Шунчаки ҳазил» икки кўринишли жиддий комедия дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди.

Асарни республикада хизмат кўрсатган артист Ғ. Ҳамидуллаев сахналаштирган.

Излаган имкон топади

Қўшимча иш жойларини ташкил этиш ва меҳнат бозорини бошқариш тизимларини такомиллаштириш борасида бир- мунча ишлар амалга оширилди. Ҳозирда 453,7 минг нафар меҳнатга қобилиятли аҳоли бўлиб, шундан 320,9 минг нафари халқ хўжалигининг турли тармоқларида иш билан банд. Бу кўрсаткич 1997 йилнинг шу даврига нисбатан 6,0 минг кишига кўпдир.

«Бандлик» дастурини ҳаётга татбиқ этишда асосий эътибор иш билан банд бўлмаган аҳолини тўлароқ иш жойлари билан таъминлаш, қўшимча иш жойларини яратиш, махсус белгиланган квота ўринлари ва бўш ўринларга уларни жойлаш, мутахассисларни қайта ўқитиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратиляпти.

Ҳозирги кунда вилоятимизнинг Жиззах шаҳрида «Зилолатекс»нинг ва пайпоқ тўқув фабрикасининг «Меҳнат» қўшма корхоналари, Фориш туманида жунни қайта ишлайдиган қўшма корхоналар очилиб, 600 га яқин ишчи ўринлари барпо этилди.

Саидмурод НОРМУРОДОВ,
вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси жамлама бўлими бошлиғи.

ҲАЁТДАН ЗАВҚ ОЛИБ

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан Зомин, Жиззах, Зарбдор, Фориш туман ва шаҳарларидан 150 нафардан кўпроқ пенсионерларнинг турли зиёратгоҳларга сайёҳатлари уюштирилди. Бундан ташқари, вилоятдаги бир қатор туманларда истиқомат қилаётган кам таъминланган пенсионерларнинг нафақа пулларига 200 сўмдан 500 сўмгача қўшимча пенсиялар тайинланиб, тўланмоқда.

Шаҳар, туман ҳокимлигининг ички имкониятларидан келиб чиқиб, оиласида икки нафар ногирон болалари бўлган хонадонларнинг Зомин сиҳатгоҳларида дам олишлари ташкиллаштирилди. Шунингдек, кам таъминланган оилалар маҳаллий бюджет ҳисобидан коммунал хизмат тўловларидан 50-100 фоизгача озод этилди.

Вилоятдаги 200 нафар етим болаларни янги ўқув йилида кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан бепул таъминлаш ҳам мазкур қарор асосида тегишли ташкилотларга юклатилди.

Сакина АЛМАМЕДОВА,
вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи

Ғаллаоролда халқаро семинар

Ғаллачилик илмий текшириш институтида жаҳоннинг энг нуфузли СИММИТ, ИКАРДА ғаллачилик марказлари билан бирга 24 мамлакатдан ташриф буюрган олимлар ҳамкорлигида халқаро семинар бўлиб ўтди.

Халқаро анжуманни ўтказишдан мақсад ғаллачиликни ривожлантириш, юксак стандартга мос янги буғдой навларини жорий этиб, уни қишлоқ хўжалигига тадбиқ этишгина бўлиб қолмай, илмгоҳда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан таништиришдан иборат эди. Семинар ниҳоятда қизиқарли ўтди.

Лотерея ўйналади

Вилоят ҳокими қарорига асосан, Ўзбекистон болалар жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан «Болажон» лотереяси ўйналадиган бўлди.

Лотерея ўйинини ўтказиш эвазига ота-онасиз қолган, боқувчисини йўқотган, ногирон болалар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланади. Лотерея ўйини шу йил 24 октябрда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтади.

Қўш саҳифа материалларини
Юсуф ЖЎРАЕВ, Абдуғаффор ОМОНБОЕВ
тайёрлади.
Суратлар муаллифи Шавкат АКРАМОВ.

Навбат — БУХОРО вилоятига.

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 2 iyul, payshanba № 78 (22.315).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Ҳар қалай, футбол Овруподан бошланган...

FRANCE 98

Минглаб мухлислару мутахассислар Англияни футбол ватани деб таърифлашади. Шунингдек, халқ севган ўйин тараққиёти мобайнида яна ўзига хос бир мулоҳаза пайдо бўлган. Бу ҳам бўлса бир гуруҳ ишқибозлар футболнинг «қаймоғи» Овруподa дейишса, бошқалар ҳеч нарса Лотин Америкаси футболига бас келолмайди, деб ўйлайдилар. Асримизнинг якунловчи жаҳон чемпионатида ҳам ана шундай фикр-мулоҳазалар бўлиб турибди. Айтайлик, Осиё минчорак финалдан бошлаб, ким кучли эканлигини белгилаш Овруподa ва Лотин Америкаси футбол жамоаларининг маҳоратига боғлиқ бўлиб қолди. Гап шундаки, нимчорак учрашувларидан сўнг Лотин Америкасининг икки нафар жамоасии — Бразилия ва Аргентина футболчилари курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиб туришибди. Овруподан олти жамоа, яъни Дания, Голландия, Италия, Франция, Германия ва Хорватия футболчилари ҳам жаҳон кубогига асосий даъвогарлардан.

Энди буёғи осон бўлади дейиш қийин. Боиси, ярим финални кўзлаётган саккиз жамоа қўлида қандай «карта» борлигини ҳеч ким билмайди. Аслида шундай бўлади. Ҳал қилувчи ўйиндан бошланиб, бош соврин «нафаси» келгани сайин учрашувлар қизғин ва муросасиз тус олаверади. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, майдон эгалари — Франция футболчиларининг имкониятлари нимчорак финалда Парагвай жамоаси билан ўйинда кўрингандай бўлди. Шунинг учун бўлса керак, Парагвай жамоасининг таъбир жоиз бўлса, бетон мудофаасини ёролмай қийналган французларни сўнгги дақиқада ўзининг «олтин тўп» зарбини дарвоза тўрига етказган Лоран Блан қутқарди, дейишмоқда. Энди французлар чорак финалдан ё ўтадилар, ё томошабинга айлаканадилар. Чунки, уч карра жаҳон чемпионлари — Италия футболчилари анойи эмас. Французлар эса бир неча кун «жарима стули»да дам олган Зиданга умид боғлашмоқда. Шунингдек, мухлислар Бразилия норвеглар билан ўйинда «қирс» эдиёв. Италянлар эса нимчоракда норвеглар билан деярли беписанд ўйнашди. Шунинг ўзи ҳам Италия жамоасининг имкониятлари бисёрлигидан нишонадир.

Икки учрашувда деярли бир хил манзара, бир хил ҳисоб бўлгани ҳам кўпчиликни ҳайратга солди. Хусусан, Голландия — Югославия, Германия — Мексика учрашувларида енгилган жамоалар аввал ҳисобни очиб, кейин бўшашиб 2:1 ҳисобида ютқазишди. Голландия ва Германия жамоалари чорак финалга йўлланма олдилар. Руминия — Хорватия учрашувида битта тўп ўйин тақдирини ҳал қилди. Руминлар бу ўйинга байрамга келгандек, бошдан оёқ сап-сариқ бўлиб майдонга тушдилар. Кийимлари ҳам майлия, сочларини сариғайтириб олишгани қизиқ тақасидан Францияга йўл олган тўрт жамоа гуруҳлардаги саралаш ўйинларидан чиқишолмади. Футболи кейинги пайтларда ривожланиб кетди деб баҳоланаётган Африка жамоалари эса нимчоракдан нарига ўтишолмади. Мана, яна бўлди. Балки улар ҳаммамиз бир жон-бир танмиз деган ишорани рўёбга чиқаришмоқчи бўлишгандир. Афсуски, Хорватия ғалабани илиб кетди. Ҳеч ким нимчоракда Англия ўзининг бор имкониятини намойиш этади, деб ўйламаганди. Инглизлар ҳисобни очишди. Ҳатто 2:1 ҳисобида олдинга ҳам чиқиб олишди. Лекин, аргентиналиклар ҳам худо деганлардан. Бўлмаса ўйин тугаётганда ҳисобни тенглаштириб олармидилар. Барибир ўйиннинг иккинчи қисмидан бошлаб. 10 нафар бўлиб ҳаракат қилган инглизлар мухлисларини қувонтиришга зўр беришгани аниқ. Зеро, омад деган нарса бор. Асосий вақтда учрашув дуранг бўлгач, қўшимча вақтда ҳам ҳисоб ўзгармади. Кейин 11 метрлик жарима тўплари тепиш бўйича Аргентина футболчилари маҳорат кўрсатиб, 4:3 ҳисобида устун келишди.

Шундай қилиб, эртага Бразилия — Дания, Италия — Франция жамоалари ўртасида чорак финал ўйинлари бўлади. Энди муросасиз баҳслар авжига чиқаверади.

Ҳайдар НОСИРОВ

ЧЕМПИОНАТНИНГ ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИ

A1	Бразилия	Чили 4:1	Бразилия	Ярим финал
B2	Чили			
D1	Нигерия	Дания 1:4	Дания	Марсель 7 июль
C2	Дания			
E1	Голландия	Югославия 2:1	Голландия	
F2	Югославия			
H1	Аргентина	Англия 4:3	Аргентина	Финал Сен-Дени 12 июль
G2	Англия			
B1	Италия	Норвегия 1:0	Италия	
A2	Норвегия			
C1	Франция	Парагвай 1:0	Франция	Сен-Дени 8 июль
D2	Парагвай			
F1	Германия	Мексика 2:1	Германия	Учинчи ўрин учун Париж 11 июль
E2	Мексика			
G1	Руминия	Хорватия 0:1	Хорватия	
H2	Хорватия			

Санъат сирларининг соҳиби

Мўйқалам устахонасида

Мусаввирлик — гўзаллик демакдир. Аммо, бу соҳа сирларини эгаллаб, ўз йўлини топа олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Таниқли мусаввир Алишер Мирзо худо берган очиқ ифодалаганини айтиш жоиздир. Бу ўринда «Оролнинг тақдири» серияси ва яна бир қанча диққатга сазовор график намуналарини таъкидлаш жоиз. У қалам тебратган тасвирий санъатнинг барча жанрларида ўз услуби ва изланишларига содиқ қолади. Бир қатор портрет асарларида ҳам инсоннинг маънавий қиёфасини, ички оламини санъаткорона рангин бўёқлар билан ифодалашга эришган. Бу борада «К. Носиров портрети», «Оқтошлик ўрмончи», «Чорвадор», «Пахтакор» каби портретлар рассом иқтидорини намоён этган асарлардир.

Яна шу нарса эътиборлики, рассом Алишер Мирзонинг ижодий фаолиятида унинг яратиб келаётган асарлари бир-бирини тўлдираётганлигини ва уйғунлашаётганлигини кўриш мумкин.

Алишер Мирзо устоз сифатида бир неча йиллардан буён ёшларга мураббийлик қилмоқда. У Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти талабаларига ўзининг бой тажрибасини ўргатиб, уларнинг етук санъаткор бўлишларида ўз меҳнатини аямаяпти.

Ўз ижодий ютуқларидан қониқмаслик, ижодий асарлари намуналарига танқидий кўз билан қараш Алишер Мирзонинг яна бир ажойиб хусусиятларидан биридир. Ҳақиқий санъаткорларга хос бўлган бундай изланиш мусаввирни янги ижодий довонлар сари етакламоқда. Рассом асарлари бугунги кунда кўпгина хорижий давлатларда ҳам маълум ва машҳурдир. Унинг айниқса, Германия, Болгария, Руминия, Италия, Франция каби хорижий давлатларнинг санъат иштиёқмандлари орасида обрў топганлигини таъкидламоқ керак.

Рассом санъатидаги маҳорат сирлари асосан, шарқона бўёқлар мажмуасида инсонни, табиат ва борлиқнинг ўзаро мутаносиб бўлган гўзаллигини кўрсата билишдадир. Бу жараёндаги уринишлар Алишер Мирзо рангтасвир санъати соҳасида ўзига хос мактаб яратаётганлигидан далолат беради.

Ван Гог, Ренато Гуттузо ва бошқаларнинг ижоди унга кучли таъсир этганлигини кўриш мумкин. «Автопортретли натюрморт» номли асари фикримизга ёрқин мисол бўла олади. Рассом Европа рассомларига хос анъаналарни яхши билган, ўрганган ҳолда уларни такрорламайди, аксинча ўзбекона бир характер билан ўз ижодий йўлида тинимсиз изланаётганлигини исботлайди. Мусаввирнинг «Тўй», «Ёш оила ҳақида қўшиқ», «Кўприклар», «Қуёшли кун», «Учрашув», «Саодатнинг дунёси», «Ёруғ кун», «Сой бўйидаги қизлар», «Пахта байрами», «Кўм-кўк май», «Рассом ва табиат» каби ўнлаб етук асарларини кўрсатиш мумкин.

Санъаткор яратган «Сурхондарё натюрморти», «Икки кўза», «Ўзбек натюрморти» каби натюрмортларда ҳар бир буюм ва нарсаларнинг ранг-баранг, шакл-шамойили табиий тарзда акс этади. Рассом қатор график асарлари орқали ўзининг кўнглида пишиб етилган фикрларини иқтидори туфайли бахти кулган ижодкордир. У Ўзбекистон халқ рассоми, академик, қатор давлат мукофотлари совриндори, бўлажак рассомларга ибратли мураббий, замонавий рангтасвир санъатининг моҳир устаси ҳисобланади. Айни пайтда бадиий ижоднинг улкан бир поғонасига кўтарилган санъаткордир. Кўплаб муаммолар, қаршиликларга қарамасдан Алишер Мирзо тасвирий санъатда ўз йўли ва ўрнини топа олди. Талабалик йилларида санъат сирларини жиддий ўрганар экан, тарихий анъаналаримизни астойдил тушунишга ва уни ҳар жиҳатдан мушоҳада қилишга интилди.

Ана шунинг учун ҳам унинг асарлари ўзига хослиги, миллий тўлақонлиги билан кўргазмалардан кенг ўрин ола бошлади. Мусаввир бошида яратган асарларни кузатар эканмиз, жаҳон тасвирий санъатининг илғор вакиллари

Норсаид ОЙДИНОВ,
Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти директори

Ҳамдам ИСМОИЛОВ,
институт илмий бўлими мудири

Суратларда: Рассом ижодидан намуналар:
1. А.Қодирий,
2. Фузулийни ўқиб.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ислом ҲАМРО,
навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 19.963 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0156

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.50.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЛУҒБЕК ЖАМҒАРМАСИ ҲАМКОРЛИКДА "КУЧ - БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА" МАВЗУСИДА ИСТЕЪДОДЛИ ЁШ ОЛИМ ВА ИЖОДИЙ ГУРУҲЛАР ЎРТАСИДА ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Танловнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг "Тафаккур" журналининг 2-сонида эълон қилинган "Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин" мавзусидаги суҳбатида илгари сурилган янгича ғоя ва назарий қарашлар мазмунини истеъдодли ёшлар онгига чуқурроқ етказиш, уларнинг Миллий мафкура ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини аниқлаш, Миллий мафкурани амалга оширишга борасидаги таклифларни ўрганиш, шунингдек ижодий фикрлаш кўникмаларини рағбатлантириш, интеллектуал салоҳиятларини Ватан равнақи йўлидаги эзгу ишларга йўналтиришдир.

Танлов қатнашчилари ўз илмий мақолаларини (машинкаланган ҳолда икки интервалда бир босма табоқ ҳажмида) Улуғбек жамғармаси бошқарувига шу йилнинг 15 декабригача юборишлари шарт.

Голибларни тақдирлаш:

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА УЛУҒБЕК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚУЙИДАГИ:

Биринчи ўрин - ижодий гуруҳлар учун	100.000 сўм,	якка муаллифлар учун	60.000 сўм
Иккинчи ўрин - ижодий гуруҳлар учун	60.000 сўм,	якка муаллифлар учун	40.000 сўм
Учинчи ўрин - ижодий гуруҳлар учун	40.000 сўм,	якка муаллифлар учун	30.000 сўм

ПУЛ МУКОФОТЛАРИ БЕРИЛАДИ.

Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган истеъдод соҳиблари шу йил декабрь ойида ўтказиладиган якуний тадбир (илмий конференция)га таклиф қилинадилар.

Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган илмий ишлар муаллифларнинг таржимаи ҳоллари билан биргаликда Улуғбек жамғармаси томонидан махсус нашр этиладиган тўпламга киритилади.

КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ !

Манзилимиз: 700027, Тошкент ш., Фурқат кўчаси, 1-уй. Улуғбек жамғармаси бошқаруви. Маълумот учун телефонлар: 45-24-57, 45-23-48, 45-26-45, 45-96-96.

Тадбиркор, ишбилармон жаноблар, савдо шаҳобчаларининг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МУЗҚАЙМОҚ ЖАМОА КОРХОНАСИ

Сизларни барчанизни ўлкамизга кириб келган ёз фасли билан самимий муборакбод этиб, жазирама кунларда ўзимизнинг лаззатли, муздеккина музқаймоқларимизни улгуржи сотиб олишга

ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Сиз бу корхонадан сариёғли, қаймоқли, шоколадли, мевали ва бошқа турдаги музқаймоқларни пул ўтказиш йўли билан харид қилишингиз мумкин.

Жаҳон андозаларига мос келадиган сифатли ва тотли маҳсулотларимиз сизга мунтазир!

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 2-тор кўча, 4-уй.
Маълумот учун телефонлар: 93-35-12, 93-34-34, 93-09-47, 91-30-17.



Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Саидбурхон-бизнес» номли хусусий фирма

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Мурожаат учун телефон: 78-18-60.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Самарқанд вилояти божхона бошқармасининг бошлиги Абдували Саматович Примовга ўғли **Акмал ПРИМОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.